

57 215
27.01.2022 ч.

A22_22/Б4/ПР- сон ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

01 январь 2022 йил

Тошкент шаҳри

МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонаси (кейинги матнларда «Ижарага берувчи» деб номланади), корхона Низоми асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи Бош директор А.Хусайнов шахсида - бир томондан ва АТ Халк Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота филиали (кейинги матнларда «Ижарачи» деб номланади), банк филиалини бошқариш учун Ишончнома асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи БХМ бошлиғи Д.А.Боқиев шахсида - иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартномага мувофиқ:

- «Ижарага берувчи» **зиммасига** мазкур шартномада акс эттирилган шартлар асосида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, Тошкент вилояти Зангиота тумани Қатортол ҚФЙ манзилида жойлашган Савдо маркази худудидаги майдони 22,0 кв.м. бўлган Литер 0020 Савдо дўконининг бир қисми 015 тартиб рақамли хизмат хонасини «Ижарачи»га ижара ҳақи эвазига вақтинчалик фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади;

- «Ижарачи» зиммасига ушбу шартномада акс эттирилган шартлар асосида унинг ажралмас қисми бўлган «Топшириш-қабул қилиш далолатномаси» орқали ушбу хизмат хонасини қабул қилиб олиб, ундан оқилона ва эҳтиёткорлик билан, заруриятга кўра ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини амалга оширган ҳолда, тижорат мақсадида фойдаланиш ва бунинг эвазига «Ижарага берувчи»га ҳар ойлик ижара ҳақини тўлаб бориш мажбуриятини олади.

1.2. Хизмат хонаси «Ижарачи»га банк фаолиятини, яъни мини банк/махсус касса фаолиятини амалга ошириш учун (шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса) мазкур шартноманинг 4.1.-бандида кўрсатилган муддатга ижарага берилади.

1.3. Мазкур шартнома таъсири муддатида хизмат хонаси «Ижарага берувчи»нинг мулкчилигида қолади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Томонларнинг келишувига асосан «Ижарачи»нинг «Ижарага берувчи»га ҳар ойлик ижара тўлови ҳақи қўшилган қиймат солиғи билан 1 500 000 (Бир миллион беш юз минг) сўм миқдорда белгиланади;

2.2. Жорий ой учун ижара тўлови бошланган ойнинг 6-чи санасигача (январь ойида 11-санасигача олдиндан 100 фоиз миқдорда тўланади. Ҳар бир ойнинг охириги санасида «Ижарага берувчи» «Ижарачи»га ҳар ойлик хизматлар бажарилганлиги ҳақидаги электрон ҳисобфактурани factura.uz сайти орқали тақдим этади.

2.3. Ижара тўлови МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонаси ҳисоб рақаминг банк муассасаси орқали пул кўчириш кўринишида амалга оширади. «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонасига пул келиб тушган кун тўловни амалга оширилган кун деб ҳисобланади.

2.4. Белгиланган муддатда тўланмаган тўлов миқдорига кечиктирилган ҳар бир кун учун «Ижарачи»г нисбатан 0,4 фоиз миқдорда (бирок тўланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаган ҳажмда) пеня қўлланилади.

2.5. Шартнома кучга кирган кундан эътиборан ижара тўлови «Ижарачи» хизмат хонасидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар белгиланган муддат ичида тўлиқ 100 фоиз тўланади;

2.6. Ижара тўлови қиймати «Ижарага берувчи»нинг сарф-харажатлари ошганда белгиланган тартибда «Ижарачи»ни олдиндан радиоузелъ орқали огоҳлантирган ҳолда, мазкур шартномага ёзма равишда қўшимча келишув расмийлаштириш орқали амалга оширилади;

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Ижарага берувчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Инфраструктура объектлари ва коммуникация тизимидан фойдаланиш аҳволини, шунингдек ижарага берилган хизмат хонасида ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари ва техник эксплуатация нормаларига риоя этилишини доимий назорат қилиб бориш;

3.1.2. «Ижарачи»дан ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари ва техник эксплуатация нормаларига, МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонасида ўрнатилган ички тартиб қоидаларига қатъий риоя этишни радиоузелъ орқали эслаб туриш ва талаб қилиш;

а) «Ижарачи»лар ҳар ойлик инфраструктурадан фойдаланганлик ва кўрсатилган хизматлар ҳақи белгиланган миқдорда (100 фоиз), муддатларда (бошланган ойнинг 6-санасигача) (январь ойида 11-санасигача) тўламаганларида ва мазкур шартноманинг бошқа шартларини бузган тақдирларида - сабабларини аниқла мақсадида уларни тегишли бўлимга тақлиф қилиш;

б) Ноқонуний даромад олиш мақсадида хизмат хонасига чегарадош бўлган МЧЖ шаклида: «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонаси инфраструктурасига тегишли худуддан ноқонуний фойдаланганда ва ғараз мақсадда учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўйган «Маъмурият»нинг қундалик иш фаолиятига асосиз аралашиб уларнинг ва корхонанинг обрў-эътибори путур етказадиган хатти-ҳаракатларни содир этиб, уларни қонуний фаолият юритишларига қанд:

кўринишда бўлмасин тўсқинлик қилганида, «Ижарага берувчи» «Ижарачи»га нисбатан, аниқланган ва этилган ҳолатлар бўйича ҳужжатлар тўплаб (ижарачи ва бошқа шахслардан ҳолат бўйича тушинтириш ҳа. олиш) амалдаги қонунчиликка асосан чора кўриш учун ваколатли идораларга юбориш ва мурожаат қилиш;

3.1.3. Зарурият туғилганда ёхуд фавқулотда вазият (ёнғин, авария ва бошқ.) юзага келганда теги тадбирларни амалга ошириш учун хизмат хонасига кириш.

3.2. «Ижарага берувчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Хизмат хонасини «Ижарачи»га «Топшириш-қабул қилиш далолатномаси» имзолангандан кейин (уч) кун муддат ичида топшириш;

3.2.2. Даврий тарзда ўз маблағлари ҳисобидан хизмат хонасини капитал таъмирлаш, инфраструктура объектлари ва коммуникация тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш;

3.2.3. Ўз номидан энергоресурслар билан таъминловчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхона ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

3.2.4. «Ижарачи»дан шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда ижара ҳақини **тўлиқ** тўлани ҳақида бошланган ойнинг биринчи санасидан бешинчи санасигача радиоузел орқали эслатиб туриш белгиланган тартибда қабул қилиб олиш;

3.2.5. Ижара ҳақи миқдори ёхуд мазкур шартноманинг бошқа шартлари ўзгарганда, бу ҳақ «Ижарачи»ни олдиндан радиоузел орқали хабардор қилиш;

3.3. «Ижарачи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижарага олинган хизмат хонасидан мазкур шартнома шартлари доирасида фойдаланиш;

3.3.2. Ижара тўловини тўлиқ амалга оширган тақдирда «TASHKENT TRADE CENTER» хориж корхонасининг инфраструктура объектлари ҳамда тақдим қилинган коммунал ва бошқа хизматлардан фойдаланиш;

3.3.3. «Ижарага берувчи»ни **3 (уч)** кун олдин огоҳлантирган ҳолда, шартномани ўз ҳоҳиши билан жор ойнинг ижара тўловини тўлиқ тўлаб, бекор қилиш;

3.3.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тадбиркорлик фаолияти тааллуқли бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

3.4. «Ижарачи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Ижарага олинган хизмат хонасидан фақат унинг бевосита белгиланиши бўйича, яъни фақат **бағ фаолиятини, яъни мини банк/махсус касса фаолиятини амалга ошириш учун (шартномада бошқа кўрсатилмаган бўлса)** фойдаланиш;

3.4.2. Шартномада кўрсатилган миқдор (**100 фоиз**) ва муддатларда (**бошланган ойнинг 6-санасигача**; (январь ойида 11-санасигача) «Ижарага берувчи»га ижара ҳақини белгиланган тартибда тўлиқ топшириш;

3.4.3. МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» хорижий корхонаси фаолиятини ташкил этиш Қоидаларига, бошқа тааллуқли қонун нормаларига ҳамда унинг ички тарғиби талабларига қатъий риоя қилиш маъмуриятнинг кундалик иш фаолиятига асоссиз аралашиб улар фаолиятига **ҳар қандай кўринишда тўсқинлик қилмаслик**, «Ижарага берувчи»нинг савдо фаолиятини ташкил қилишга доир буйруқ ва кўрсатмаларини, шунингдек назорат органларининг қонуний талабларини тўлиқ бажариш;

3.4.4. Ёнғин ҳавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари, меҳнат муҳофазаси талаблари ва техника эксплуатация нормаларига қатъий риоя қилиш, хизмат хонасида инфраструктура объектларига тегишли бўлган мулкни асраш, қулбола усулда тайёрланган ва техника талабларга жавоб бермайдиган иситиш ва совутиш мосламаларидан фойдаланмаслик, хизмат хонаси ичида, ташқирисида-олди ва ён қисмларида тозаликни сақлаш;

3.4.5. Хизмат хонасини дастлабки ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозлаш ва уларнинг ишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш, тутун ва ёнғинни зудликда сезувчи автоматик мосламаларнинг ҳамда шамоллатиш (вентиляция) тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатишига қаратилган чораларни амалга ошириш;

3.4.6. «Ижарага берувчи»нинг ёзма рухсатисиз электр тармоғи ўтказиш қувватининг имкониятига ортиқча юклама берадиган электр жиҳозларини ўрнашмаслик ва қўлламамаслик, электр энергиясидан тежамли фойдаланиш;

3.4.7. Томонлар келишувига асосан хизмат хонасида ҳисоблагич (электр энергияси, табиий газ ва совуқ сув ҳисоблагичи) ўрнатилган тақдирда, алоҳида тузилган шартнома орқали тўловни амалга ошириш;

3.4.8. Зарурият туғилганда ёхуд фавқулотда вазият (ёнғин, авария ва бошқ.) юзага келганда тегишли тадбирларни ёки назорат чораларини амалга ошириш учун «Ижарага берувчи» вакиллари хизмат хонасига кириши;

3.4.9. Даврий тарзда ўз маблағлари ҳисобидан Ижарага берувчининг ёзма рухсатини олган ҳолда, хизмат хонасида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек хизмат хонасида мавжуд инфраструктура объектлари ва коммуникация тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш;

3.4.10. «Ижарага берувчи»нинг **ёзма** рухсатисиз хизмат хонасида реконструкция, таъмирлаш (ўзгартириш, стационар маиший техникаларни ўрнашмаслик, ертўла қазилар ва бошқалар) ишларини олиб бормаслик;

3.4.11. Шартнома муддати тугаган ёки муддагидан олдин тўхтагилган кундан кейинги 3 кунлик муддатда хизмат хонасини «Ижарага берувчи»нинг вакилига ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда белгиланган тартибда, «Топшириш-қабул қилиш далолатномаси» орқали топшириш.

4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

4.1. Мазкур шартнома 01 январь 2022 йил кунидан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йил кунига қадар амал қилади.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаган кунидан бошлаб тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлади. Ижарачининг кейинги муддатга бўлган ижара ҳуқуқи тарафларнинг янги муддатга ижара шартномаси тузган тақдирдагина вужудга келади.

5. АЛОҲИДА ШАРТЛАР. ШАРТНОМА ИЖРОСИНИ ВАҚТИНЧАЛИК ТЎХТАТИШ ВА БИР ТОМОНЛАМА БЕКОР ҚИЛИШ.

5.1. "Ижарага берувчи" куйидаги ҳолатларда аниқланган камчиликлар тўлиқ баргараф этилмагунга қадар мазкур шартномада кўзда тутилган хизматларни кўрсатишни ўз ташаббуси билан бир томонлама тўхтатишга ва шартномани бекор қилишга ҳақли:

а) «Ижарачи» мазкур шартномада кўрсатилган муддатда (**бошланган ойнинг 6-санасигача**) (январь ойида 11-санасигача) **ва 100 фоиз** миқдорда белгиланган ижара ҳақини тўлиқ тўламаган тақдирда - **Блок менеджери томондан шу ойнинг 6 санасида** (январь ойида 11-санасигача);

б) «Ижарачи» томонидан хизмат хонасидаги коммуникация ва инженер тармоқларига, инфраструктура объектларига зиён ётказганлиги оқибатида ёхуд санитария қоидалари ва гигиена нормативларини қўпол бузиши натижасида ёнғин, авария ва бошқа фавкулотда ҳолатлар келиб чиқиши ҳавфи ёки юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли юзага келган тақдирда – шу куни;

в) Қатъий равишда фақат ўзи юритаётган хизмат хонаси ичида савдо қилиш, хизмат хонаси ташқарисига белгиланган чизиқдан ўтказиб қўшимча савдо жихозлари ва расталар қўйганда, товарларни белгиланган чизиқдан ўтказиб тахлаб тез ёрдам, ўт ўчириш машиналари, аравалар ва фуқаролар эркин ҳаракатланиши учун ноқулайликлар ва тўсиқлар юзага келтирганда - **шу куни**;

5.2. "Ижарага берувчи" куйидаги ҳолатларда ушбу шартномани ўз ташаббуси билан бир томонлама бекор қилишга ҳақли:

а) «Ижарачи» сурункали равишда (2 ой давомида) белгиланган ижара ҳақини тўлашдан бош тортганда;

б) «Ижарачи» томонидан шартноманинг 3.4-бандида белгиланган ўзига юклатилган мажбуриятларнинг бирини бажармаганда ёхуд лозим даражада бажармаганда;

в) «Ижарачи» томонидан ижарага олинган хизмат хонасини ноқонуний даромад олиш мақсадида унинг ташқаридаги олди ва ён қисмларини, дўконнинг ички қисмини қисман ёки тўлиқ ҳолда қайта ижарага (субарендага) берган ҳолат аниқланганда;

г) «Ижарачи» томонидан ижарага олинган савдо нуқтасида шартномада **кўрсатилмаган ноозиқ-овқат товарлари чакана савдосини амалга оширган** ҳолати аниқланганда;

д) «Ижарачи» томонидан савдо нуқтасини шартнома тузишда **шартномада аниқ белгиланган жойдан** маъмуриятнинг ёзма рухсатисиз ўзбошимчалик билан бошқа жойга (блокка) кўчириб ўтказганида;

е) «Ижарачи» томонидан ижарага олган савдо нуқтасига ўз товарларини ташиш ниқоби остида ўзига тегишли **шахсий** арава билан одам ёллаб ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини юритиб аравада юк ташиш хизматини ёки бошқа хизматларни ташкил қилган ҳолати аниқланганда.

ё) "Ижарага берувчи" томонидан ижарага берилган иншоотда қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилганда.

5.3. "Ижарага берувчи" ижара муддати тугагунга қадар ижарага берилган савдо дўконини бошқа мулкдор эгаллигига ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш ва бошқ.) ҳақида қарор қабул қилган, шунингдек, ижара ҳақининг миқдори ўзгариши муносабати билан унинг миқдори оширилишига Ижарачи розилик бермаган тақдирда, "Ижарачи"ни 10 кун олдин ёзма равишда расман огоҳлантирган ҳолда мазкур ижара шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартнома бўйича ва у билан боғлиқ бўлган барча низолар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади. Низони томонларнинг келишуви асосида ҳал қилиш имконияти бўлмаганда, низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (ҳукумат қарорлари, ер қимирлаши, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2. Баргараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ҳукумат қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи деб ҳисобланади;

7.3. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда бир тараф иккинчи тарафни 3 (уч) кун ичи равишда ҳабардор қилиши шарт.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилиб, тарафлардан ҳар бирига би нусхадан берилади;

8.2. Шартномага қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Амалдаги шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳа иккала тараф имзолагандан кейин ҳақиқий кучга киради.

8.3. Шартномага топшириш-қабул қилиш далолатномаси илова қилиниб, мазкур шартноманинг ажралма қисми ҳисобланади;

8.4. Шартнома муддати тугагандан сўнг уни қайта тузишда "Ижарага берувчи" «Ижарачи» ўз фаолият давомида шартнома шартларига риоя қилганлик даражасидан (ижара ҳақини ва тўловларни белгиланган муддатларда ва миқдорда тўлаганлиги, жарима санкциялари қўлланилмаганлиги, мазкур шартноманинг **бошқ талабларига** амал қилинганлиги) келиб чиқиб уни қайта тузиш ёки тузмасликда устунлик (афзал) ҳуқуқига эга;

8.5. Бирор тарафнинг юридик манзили ўзгарган тақдирда у иккинчи тарафга зудлик билан ёзма равишда маълум қилиши шарт.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ МАЪЛУМОТЛАРИ

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»:

«ИЖАРАЧИ»:

МЧЖ шаклидаги
«TASHKENT TRADE CENTER» ҳорижий
корхонаси

Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кўчаси, 156^А

Х/р 20208000304258774001


АТ «Узсаноатқурилиш Банк» Лабзак филиали

МФО 00442, СТИР 204522125,

ОКЭД 46760

Тел.: 81500990

А.Хусайнов



АТ Халқ Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота
филиали

111800, Тошкент вилояти, Эшонгузар кўрғони,
Охунбобоев кўчаси 22-уй

Х/р 29801000900000778200

АТ Халқ Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота
филиали, МФО 00778, СТИР 200565178

ОКОНХ _____, Тел.: 97-746-2727

Д.А.Боқиев
БХМ бошлиғи



Юриси
З. Турдиев

2022 йил «01» январь

Тошкент шаҳар


Шартнома баҳосини келишиш ҳақида БАЁННОМА

Биз, куйида имзо чекувчилар, МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» ҳорижий корхонаси (кейинги матнларда «Ижарага берувчи» деб номланади), корхона Низоми асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи Бош директор А.Хусаинов шахсида - бир томондан ва АТ Халк Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота филиали (кейинги матнларда «Ижарачи» деб номланади), банк филиалини бошқариш учун Ишончнома асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи БХМ бошлиғи Д.А.Боқиев шахсида - иккинчи томондан, шуни тасдиқлаймизки, томонлар ўртасида 2022 йил «01» январь кундаги А22_22/Б4/ПР-сон ижара шартномаси бўйича шартнома баҳосини бир ой учун қўшилган қиймат солиғи билан **1 500 000 (Бир миллион беш юз минг) сўм** ҳисобида белгилаш ҳақида келишдик.

Мазкур Баённома ўзаро ҳисоб китобларни амалга оширишга асос ҳисобланади.

«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»:

МЧЖ шаклидаги
«TASHKENT TRADE CENTER» хорижий
корхонаси
Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кўчаси, 156^А
Х/р 20208000304258774001
АТ «Узсаноатқурилиш Банк» Лабзак филиали
МФО 00442, СТИР 204522125,
ОКЭД 46760
Тел.: 78 1500900



Бош директор

А.Хусаинов

«ИЖАРАЧИ»:

АТ Халк Банкнинг Тошкент вилояти
Зангиота филиали
111800, Тошкент вилояти, Эшонгузар қўрғони,
Охунбобоев кўчаси 22-уй
Х/р 29801000900000778200
АТ Халк Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота
филиали, МФО 00778, СТИР 200565178
ОКОНХ _____, Тел.: 97-746-2727

БХМ бошлиғи

Д.А.Боқиев

Юриси
З. Турдиев

2022 йил «01» январь кундаги
А22_22/Б4/ПР - сон ижара
шартномасига
1 - сон ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

хизмат хонасини топшириш-қабул қилиш ҳақида

2022 йил «01» январь

Тошкент шаҳар

МЧЖ шаклидаги «TASHKENT TRADE CENTER» ҳорижий корхонаси (кейинги матнларда «Ижарага берувчи» деб номланади), корхона Низоми асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи Бош директор А.Хусаинов шахсида - бир томондан ва АТ Халқ Банкнинг Тошкент вилояти Зангиота филиали (кейинги матнларда «Ижарачи» деб номланади), банк филиалини бошқариш учун Ишончнома асосида унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи БХМ бошлиғи Д.А.Боқиев шахсида - иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу далолатномани туздилар:

1. «Ижарага берувчи» номидан Бош директор А.Хусаинов Тошкент вилояти Зангиота тумани Қатортол ҚФЙ манзилида жойлашган Савдо маркази ҳудудидаги майдони 22,0 кв.м. бўлган Литер 0020 Савдо дўконининг бир қисми 015 тартиб рақамли хизмат хонасини қабул қилиб олади.
2. Қабул қилиб олинаётган хизмат хонасини техник ҳолатига «Ижарачи»нинг шикояти ва эътирози йук.


«Топширдим»
«Ижарага берувчи»



А.Хусаинов

Бош директор

«Қабул қилдим»
«Ижарачи»



Д.А.Боқиев

БХМ бошлиғи

Юрессе
З. Турдеев